O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

*Инсон манфаатлари — олий қадрият*

# АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 3 ФЕВРАЛЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 06 (554) • E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

## Ушбу сонда:

2 — ЯГОНА МАҚСАД ЙЎЛИДА (фаолларимиз сўзлайди); КИЧИК БИЗНЕСГА КАТТА ЭЪТИБОР (иқтисодиётда самарали йўл)
3 — АШЪОР ОЛАМИНИНГ СОҲИБСАНЪАТИ; ЖАҲОН ПАРЛАМЕНТИ: ШВЕЦИЯ (Риксдагни Талман бошқаради)
4 — ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ; ИБН СИНОНИНГ БОЛАЛИГИ (болалик — бегуборлик)

Касаначилик — янги мулкий имконият



Ҳ. АВВАЛОВ олган суратлар

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги "Зузу" хусусий фирмаси санъаткорлар, раққосалар ҳамда болаларнинг спорт кийимлари ишлаб чиқариб, кўпчиликнинг назарига тушган. Корхонага моҳир ишбилармон аёл Салима Қодирова раҳбарлик қилмоқда. У бугунги бозор иқтисодиёти талаблари асосида ишни тўғри ташкил этганлиги туфайли 3 ойда 1,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. 12 кишидан иборат меҳнат жамоаси ҳам ўзларига яратилган қулайлик ва шарт-шароитдан кўнгли тўқ.

## Зардўзга даромад, корхонага манфаат

Раҳим ЖЎРАЕВ,
Бухоро шаҳридаги «Р.Раҳматов-Зардўз» МЧЖ кузатув кенгаши раиси

Бухоро — зардўзлар юрти. Моҳир зардўзларимиз маҳоратига нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам тан беришган. Шундан келиб чиқиб айта оламанки, шу пайтгача рўзғор юмушларидан ортиб даромад топиш мақсадида зардўзлик билан шуғулланган хотин-қизларимиз тиккан кийимларини бозорда сотишга қийналар, оқибатда воситачиларга арзонгаровга бериб юборишга мажбур бўлардилар.

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бунга чек қўйди. Айниқса, Фармонда корхоналар билан меҳнат шартномаси тузган касаначиларга меҳнат дафтарчаси берилиши, ишлаган вақти учун пенсия ва ижтимоий суғурта бўйича нафақа тайинланишининг кўзда тутилганлиги кўпчиликни хушнуд этди. Яна бир муҳим жиҳати шуки, Фармонда касаначиларга буюртма берадиган корхоналарга ҳам бир қатор имтиёзлар белгиланган. Яъни, бундай корхоналар шу йилнинг 1 февралидан бошлаб 5 йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида (касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда), меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан тўланувчи ягона ижтимоий тўловдан озод этилди. Хомаки ҳисоб-китобларга кўра, ушбу имтиёз туфайли корхонамизда йилига 3-3,5 миллион сўм маблағ тежалар экан. Бу фаолиятни янада ривожлантириш учун катта имконият деганидир.

Ҳозирги пайтда корхонамизда юздан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Тағин 40 нафар касаначимиз бор. Айни пайтда зардўзлик сир-асрорларини пухта эгаллаган, аммо оилавий шароитига кўра корхонага қатнаб ишлай олмайдиган опа-сингилларимиз билан ҳамкорликни янада кучайтириш, уларни ишлаб чиқаришга жалб этиш орқали даромадини кўпайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Аниқроғи, йил охиригача 50-60 нафар касаначи билан ҳамкорлик қилишни мўлжаллаб турибмиз. Зотан, бундан икки томон ҳам манфаат кўради.

**Пойтахт транспорти:**

## Хизмат сифати яхшиланмоқда



Н.АСЛОН,
журналист

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг транспорт-коммуникация воситаларини тубдан модернизация қилиш ва бу соҳадаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш борасидаги ташаббус ва йўл-йўриқлари туфайли пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига транспорт хизмати кўрсатиш сифати бирмунча яхшиланди. Шаҳримиз транспорт воситалари таркиби замонавийлари билан бойитилиб, автобус парклари янгиланди, сервис хизмати тармоғи ташкил этилди.

Бугун шаҳримиз кўчаларида «Мерседес-Бенц» компаниясининг энг сўнгги русумдаги автобуслари ҳамшаҳарларимиз ва пойтахт меҳмонларига хизмат кўрсатмоқда. Германиянинг Эво Бус ГмбХ «Мерседес-Бенц» компанияси билан имзоланган шартномага асосан 2003-2004 йилларда 300 та замонавий автобус харид қилинган эди. Бугунги кунга келиб уларнинг сони 578 тага етди. 2005-2006 йиллардаги инвестиция дастурига мувофиқ яна 300 та «Мерседес-Бенц Конекто С» русумли автобуслар харид қилиниши кўзда тутилган. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хусусий йўловчи ташувчиларга муносабат тубдан ўзгарди. Айни пайтда уларнинг кўрсатаётган хизматлари ҳажмини янада оширишга йўналтирилган тегишли меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди.

(Давоми 2-бетда)

## Китоб маркази очилди

Пойтахтимизда "Шарқ" нашриёт-матбаа компаниясининг "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли китоб маркази очилди. Марказнинг очилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда ёзувчи ва шоирлар, ноширлар, матбаачилар, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон халқ шоири Шукрулло, "Шарқ" нашриёт-матбаа компанияси бош директори Омонулла Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод онгида миллий истиқлол ғояларига садоқат, Ватанга муҳаббат, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга ҳурмат туйғуларини янада мустаҳкамлашда бебаҳо восита — китоб ғоят муҳим аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратиб келаётганини таъкидладилар.

Мамлакатимизда аҳолининг бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий китобларга, таълим муассасалари ўқувчилари ва талабаларнинг янги авлод дарсликлари ва ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжини қондириш, шунингдек, китоб савдоси тизимини янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 3 августда қабул қилинган "Республикада китоб савдоси тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўляпти.

Шаҳримизнинг Бухоро кўчасидаги 26-бинода жойлашган ушбу марказда беш мингдан ортиқ номдаги китоб савдога қўйилган. Китобхонларга хизмат кўрсатиш тизими янада яхшиланиб, савдонинг янгича услублари жорий этилган. Унда нафақат юртимизда чоп этилган адабиётлар, балки хорижда нашр этилган янги китобларни сотиб олиш, уларга буюртма бериш мумкин. Марказда китобхонлар ва муаллифлар билан учрашувлар ташкил этилиши кўзда тутилган. Шунингдек, китобсеварларнинг эҳтиёжлари атрофлича ўрганилиб, зарур ҳолларда уларга керакли адабиётлар етказиб берилади.

Эндиликда ана шундай замонавий китоб марказларини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида очиш мўлжалланмоқда.

ЎзА

Олий Мажлисда

## Ҳакамлик суди самарали тизим

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
"Адолат" мухбири

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқлашди.

"Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Нурдинжон Исмоилов маъруза қилди. Сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган қонун лойиҳасининг моддама-модда муҳокамаси чоғида ушбу лойиҳани янада такомиллаштиришга доир таклифлар кўриб чиқилди. Киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси мазкур лойиҳани қабул қилди.

Шундан сўнг Қонунчилик ва Суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойша Охунова "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

— Давлат судларидан фарқли ўлароқ, ҳакамлик судида тарафларнинг ўзи судьяларни танлайди, — деди у ўз маърузасида. — Ҳакамлар суди чиқарган қарор юзасидан давлат судлари каби апелляция, кассация инстанциялари мавжуд эмас. Ҳакамлар суди қарори қабул қилиниши билан кучга киради. Яъни, қарор ижроси йиллаб чўзилиб кетиши ёки бир низонинг бир неча йил давом этишининг олди олинади. Янги суднинг давлат судларидан яна бир фарқи шундаки, фақат ҳуқуқшунослар эмас, балки хўжалик соҳасидаги турли тармоқларнинг юқори малакали мутахассислари ҳам ҳакамлар суди судьялари бўлиши мумкин.

Муҳокамада таъкидланганидек, ҳакамлик судлари томонларнинг келишувига кўра низоларни кўради. 8 бўлим ва 48 моддадан иборат бўлган мазкур ҳужжатда ҳакамлик судларининг турлари ва уларни ташкил этишнинг шакллари кўрсатилган. Яъни, ҳакамлик судлари ҳам доимий, ҳам вақтинчалик ташкил этилиши мумкин. Қонун лойиҳасида ҳакамлик битими, муҳокамаси, суди деган тушунчаларга ҳам таъриф берилган. Ҳакамлик судларида низоларни кўрувчи судья томонларнинг келишуви билан тайинланади. Мазкур лойиҳада судьяларга қўйиладиган талаблар белгиланган бўлиб, қайд этилишича, 25 ёшга тўлган шахс ҳакамлик судида судьялик қилиши мумкин. Лекин айрим депутатлар 25 ёш эмас, балки 40 ёшдан ошган, ҳам малака, ҳам ҳаётий тажрибага эга бўлган шахс ушбу лавозимда ишлаши керак, деган таклифни илгари сурдилар.

Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, "Ҳакамлик судлари" фуқаролик ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни ҳал қилишда самарали нодавлат механизми деб тан олинган. Бу қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектлари, уларнинг фаолияти жараёнида келиб чиқадиган низоларни ҳал қилиш механизмини яратишда муҳим ўрин тутади.

Депутатлар қонун лойиҳасини моддама-модда кўриб чиқдилар. Муҳокама чоғида нафақат таҳририй, балки қонунчилик хусусиятларидан келиб чиқиб, бўлимларнинг номланиши юзасидан таклифлар берилди. Айрим моддаларнинг матнларига тузатишлар киритилди. Батафсил кўриб чиқилганидан сўнг, қонун лойиҳаси маромига етказилиб, учинчи ўқишда Қонунчилик палатаси муҳокамасига қўйилди.

Партия кўзгуси

## "Ёш адолатчилар" ҳаракатда

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Адолат" мухбири

*"Адолат" СДПнинг "Ёш адолатчилар" Тошкент шаҳар Кенгаши ташкил этилди. Партия фаолият Дастурида белгиланганидек, ёшларни мамлакатимиз ва жамиятимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ислоҳотлар жараёнига кенг жалб этиш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан. Шу муносабат билан ташкил этилган конференцияда "Адолат" СДП аъзолари, пойтахтдаги маҳалла, олий ва ўрта махсус ўқув масканлари вакиллари иштирок этишди.*

*Ёшларнинг ижтимоий онги ва савиясини юксалтириш борасида кенг кўламли ҳаракат олиб бориш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини изчил ҳимоя қилиш конференциянинг бош омили бўлди.*

**Нуршод Ғиёсов, "Адолат" СДП Тошкент шаҳар Кенгаши биринчи котиби:**

— Партиямиз фаолият Дастуридан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий, демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришга муносиб ҳисса қўшиш ва ҳаётнинг барча жабҳаларида ижтимоий адолат ғояларини қарор топтиришда ёшлар ҳиссаларини қўшмоғи, муаммолар ечимини топишда фаоллик, ташаббускорлик кўрсатмоғи керак. Афсуски, бу борада ёш аъзоларимизнинг иштирокини юқори деб баҳолаб бўлмайди. Боиси, ёшларимиз турмушдаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишда маҳаллий ҳокимият органлари, тегишли мутасаддиларга ташаббус, таклиф билан чиқишмаётир. Ҳаттоки, ўзларини ўйлантираётган, қизиқтираётган масалаларга ҳам бефарқ муносабатда бўлишаётгани ташвишли ҳолдир. Айнан ушбу мақсад ва вазифалар "Ёш адолатчилар" кенгашини ташкил этишимизга туртки бўлди.

**Қобил Соатов, "Адолат" СДП Республика Ёшлар Кенгаши раиси:**

— Фикримча, бизнинг "Ёш адолатчилар" қайси даврда, қандай сиёсий жараёнда яшаётганлигини ҳис қилиб, ҳаётий тажриба, билим ва малакаларини оширишда жойлардаги "Адолат" СДП туман кенгашлари билан узвий алоқаларни йўлга қўйишлари талаб этилади. Албатта, бу борада уларга таянамиз ва катта умид, ишонч билдирамиз.

*Конференцияда ташкилий масала кўрилди. Унда "Ёш адолатчилар" Тошкент шаҳар кенгаши раиси, унинг ўринбосарлари ва аъзолари сайланди.*

*Шаҳар партия Кенгаши қошида ташкил этилган "Ёш адолатчилар" ўз олдиларига жойлардаги ёшларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, улар тушунчасида адолат мезонларини шакллантириш, Ватанга садоқат, меҳр-мурувват туйғуларини ошириш, жамиятимизга бегона бўлган турли оқимлар оғушига кириб қолмаслигини олдини олиш, ҳукумат қонун ва қарорлари ижросини таъминлашда фаол иштирок этишни мақсад қилиб олдилар.*

**Раҳматилла Ғоибназаров, "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" Тошкент шаҳар Кенгаши раиси:**

— Конференцияда биз ёшларга билдирилган танқидий фикрлар ўринли деб ўйлайман. Ҳақиқатдан, билимли, куч-ғайратли бўла туриб баъзи масалаларга бефарқ, эътиборсиз ёки лоқайдлик билан қараймиз. Натижада муаммолар гирдобига тушиб қоламиз. Партия фаолият Дастуридан келиб чиқиб, ишимизни жонлантирсак, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларда, ислоҳотларда фаол иштирок этиб, ташаббускорлик кўрсатсак, ўйлайманки ютуқлар сари йўл очилган бўлар эди. Энг муҳими, ҳар бир тенгдошимиз жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши керак.






**Севара Муҳиддинова, "Адолат" СДП "Ёш адолатчилар" Собир Раҳимов туман Кенгаши раиси:**

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ёшлари учун ҳукуматимиз томонидан барча шарт-шароит, қулайлик ва имкониятлар яратиб берилган. Афсуски, ундан барча бирдек самарали фойдаланаяпти деб бўлмайди. Ахборот технологиялари асрида яшаяпмиз, лекин қайсидир ёшларимиз интернет клубларида вақт ўтказиш, ўйин ўйнаш билан машғул бўлиб қолишмоқда. Шундай экан, ёшларимизнинг қизиқишларини фойдали жиҳатларга йўналтирмоғимиз, ёмон иллатлардан фориғ бўлишида кўмаклашишимиз даркор.

ННТ

## Чинакам ҳуқуқий замин

Худоёр МАМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
"Адолат" СДП фракцияси аъзоси

Ҳозирги кунда мамлакатимизда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги беш мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциациясига бирлашган, шунингдек, бундай ташкилотларни қўллаб-қувватловчи фонд ташкил этилган.

Айтиш мумкинки, ҳозирда нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик муайян тизимни ташкил қилади. 1992 йилдан 2004 йилгача бўлган давр мобайнида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг турли ташкилий-ҳуқуқий шаклларига тааллуқли ўндан ортиқ махсус қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Гарчи амалдаги қонунларда бу турдаги ташкилотларни тузиш бўйича асосий муаммолар ҳал этилган бўлса-да, айрим масалалар, масалан, давлат ва ҳукумат ташкилотлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари етарли даражада ёритилмаган эди. Шуни назарда тутган ҳолда "Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасидан кўзда тутилган асосий мақсад нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатларини белгилаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, ижтимоий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда уларни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришдан иборатдир. Бинобарин, шу пайтга қадар давлат билан жамият ўртасидаги кўприк ҳисобланган нодавлат нотижорат ташкилотларнинг айримлари турли хорижий ташкилотлар томонидан молиявий қўллаб-келинган, ўз низом ва дастурлари доирасидан четга чиққан ҳолда муайян буюртмага асосланган мақсадда фаолият юритиб келаётган эди.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши бундай хатти-ҳаракатларга чек қўйиб, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг янада ривожланиши ва муваффақиятли фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит, тенг имконият ҳамда мустаҳкам ҳуқуқий замин яратади. Бундан ташқари, улар фаолиятига давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ноқонуний аралашувининг олдини олади.

Бугуннинг гапи

## Ҳар бир дарахт ўзи бир олам...

Рўзигул САФАРОВА,
Сурхондарё вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси

Вилоятнинг 550 минг гектарини ўрмонзорлар, 33000 гектарини токзорлар, 117000 гектарини турли мевали боғлар, 9000 гектарини эса қирғоқ бўйи дарахтлари ташкил қилади. Бу йил вилоятда 39 та ширкат хўжалиги тарқатилиб, улар деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилди. Аксарият майдонлардаги дарахтзорлар ана шу хўжаликлар ҳисобига тўғри келади. Хўш, улар энди деҳқон фермер хўжаликлари тасаррруфига ўтиши билан дарахтларга муносабат қандай бўлади? Ана шу муаммо бизни ўйлантирмоқда...

Бойсун туманида «Дарбанд», Узун туманида «Серҳаракат», Шеробод туманидан 9 та ширкат хўжаликлари деҳқон-фермер хўжаликларига айлантирилди. Бир вақтлар собиқ ширкат хўжалиги ҳудудида бўлган дарахтзорлар бугун мулкдор мулки бўлди. Бу қувонарли ҳол, албатта. Ҳукуматимизнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари ҳам шаксиз, мамлакатда боғдорчилик ва ўрмон хўжаликларини ривожлантиришга қаратилган. Лекин айрим фермерлар ердан «унумли» фойдаланиш мақсадида ярим асрга татигулик дарахтларни қийратиб — аёвсиз кесиб корига «даркор» қилмоқда. Экологик вазиятни барқарорлашуви билан ҳисоб-китоб қилмаяпти... Бу ҳол биласиз, муаммо устига муаммо келтириб чиқаради.

Кунчиқар мамлакат — Японияда бўлганимда бир таассурот олганман: тўғриси, Нагасаки, Хиросима шаҳарлари ўтган асрнинг даҳшатли фалокатидан кейин шу қадар чирой очиб кетганини кўриб, ҳайратланганман. Кўчаларини қатор манзарали дарахтлар ва гулзорлар безаб турибди. Мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш дастури бўлиб унга ҳамма масъул экан. Мамлакат аҳли дарахтларни «дилкаш дўст» деб билишаркан. Қишлоқларида шарқона урф-одатлар... Ўзбеклардагидек хонтахта устида нозу неъмат, ҳусн-тароват, озодалик. Бир жойга экилган дарахт бошқа шаҳарларида такрорланмаган.

(Давоми 2-бетда)

